

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 272-ҳадис

272 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَهَى عَنْ بَيْعِ التَّمْرِ، حَتَّى يَبْدُو صَلَاحُهَا، تَهَى الْبَائِعِ وَالْمُبْتَاعِ.

[خ 1487، م 1536، ت 1290، س 3879، د 3370، ج 2216].

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам меваларни салоҳияти кўринмагунча сотишдан қайтардилар. Сотувчини ҳам, харидорни ҳам қайтардилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: «Меванинг салоҳияти кўриниши» деганда мева туккан дарахтнинг касал тегмаслиги, қутилаётган, чамаланган миқдорда ҳосил олиш эҳтимоли аниқ бўлиши назарда тутилади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

